# Куч — адолатда

2012 йил,
3 август,
жума
№ 30 (387)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


# Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## СУД ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ТУБДАН ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қонун ва қонунчилик устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган, давлат ҳокимиятининг ғоят муҳим тармоғи бўлган суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган узоқ муддатли ва изчил ислоҳотлар дастурининг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади.

Ўтган йиллар мобайнида қабул қилинган қонунлар, хусусан, «Судлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, ҳокимият тармоқларининг бўлиниши конституциявий принципини амалга ошириш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, уни ўтмишдаги қатағон ва жазолаш қуролидан қонун ҳимоясида турадиган чинакам мустақил институтга айлантириш борасида миқёси ва кўламига кўра улкан ишлар олиб борилмоқда.

Суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишнинг замонавий демократик тамойилларга асосланган тизими яратилди, бунда асосан жамоатчилик асосида фаолият юритадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси муҳим роль ўйнайди.

Шу билан бирга, ривожланган демократик давлатларнинг тажрибаси ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўтган давр давомидаги ишларнинг танқидий таҳлили шундан далолат берадики, суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамияти янада оширилишини таъминламасдан, уларнинг ваколатлари ва мустақиллигини кучайтирмасдан туриб мамлакатни сиёсий ҳамда иқтисодий янгилаш ва модернизация қилишда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Айни шу боисдан 2010 йилнинг 12 ноябрида қабул қилинган ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида зикр этилган муаммоларни ҳал этишга, шу жумладан, суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва социал кафолатларни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Қўйилган мақсадларни амалга ошириш учун:

1. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб:

умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва хўжалик судлари судьяларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақи разрядлари 1-4-иловаларга мувофиқ;

Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва хўжалик судлари судьялари ҳамда мазкур суд идораларининг мансаб даражасига эга бўлган ходимларининг алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошларига ойликустама ҳақ миқдори 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларининг судьялари хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан оладиган даромадлари жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ тўловидан озод қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

судьяларга имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари беришни, шунингдек, тураржойлар ижараси учун ҳар ойда пул компенсацияси тўлаб боришни назарда тутадиган тартибни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди билан келишилган ҳолда Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш дастурини тасдиқласин;

судларнинг таркибий тузилмасида ахборотлаштириш масалалари бўйича алоҳида бўлинмалар ташкил қилиш тўғрисида таклифлар киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда фуқаролик ишлари бўйича судлар судьяларининг мавжуд иш юкламасини, туманлараро судларнинг ўзларига бириктирилган ҳудудларга нисбатан қанчалик олисда жойлашганини ўрганиб чиқсин ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судлар тизимини оптималлаштириш бўйича таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин. Бунда судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг тегишли равишда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судида мажбурий тайёргарлик ва стажировка ўташлари назарда тутилсин.

5. Ушбу Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳамда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда юридик таълимни янада такомиллаштириш ва ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини кўриб чиқиш учун киритсин;

бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси вазифасини бажарувчиси Б.А.Коканбаев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 2 август

*Истиқлол туфайли халқимиз ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзининг табиат ато этган неъматларига тўлиқ эгалик қилиш имкониятига эга бўлди. Мустақиллик юртимизни ҳар ҳар бир жабҳада дунёга танитиш имконини берди.*

*Шу боис ҳам истиқлол айёми ҳар бир юртдошимиз учун азиз ва қадрли. Шунинг учун ҳам ҳам биз мустақиллик санасини катта шодиёна билан нишонлаймиз. Айни кунларда ҳар бир шаҳар, қишлоқ ва овулларда ушбу муборак байрам тараддуди, уни юқори савияда ўтказишга бўлган баланд руҳ ва кўтаринки кайфият кезиб юрибди.*





## ЮКСАЛАЁТГАН ЮРТ ЖАМОЛИ



Айтиш керакки, Президентимиз раҳбарлигида мураккаб синовларни, тўсиқ ва ғовларни мардонавор енгиб ўтиб, танлаган йўлимиздан қайтмасдан, улкан муваффақият ва ютуқлар билан Ватан озодлигининг йигирма бир йиллик тўйини нишонлаш арафасида турибмиз. Мустақил тараққиёт йилларида эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, иқтисодиётни тубдан ислоҳ этиш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш бўйича қабул қилган қонунларимиз орқали давлатимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий тизими яратилди. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, истиқлол йилларида азалдан Шарқ гавҳари ҳисоблаб келинган пойтахтимиздан бошлаб барча вилоятлар марказлари, қолаверса, шаҳару кентларимиз, қишлоқ ва овулларимиз бутунлай янги қиёфа касб этди. Ўтган йиллар мобайнида уларнинг ҳар бирида янгидан-янги тураржой бинолари, муҳташам ва кўркам спорт кошоналари, замонавий билим масканлари қад ростлади.

Бу янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнини Наманган вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Вилоятда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларининг замирида келажак учун, ўсиб келаётган ёш авлод учун, миллат ва Ватаннинг буюк келажаги учун жонфидолик мужассам.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Islohot va samara*

## Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари

### фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоялашга хизмат қилмоқда

**Жамиятда қонун устуворлигига эришиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда мустақил суд тизими алоҳида ўрин тутади. Шу боис истиқлол йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида, хусусан, судлар мустақиллигини таъминлаш борасида изчил ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.**

Айтиш керакки, 2000 йил 14 декабрда **«Судлар тўғрисида»**ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилингани суд тизимини ислоҳ қилиш, судьяларнинг мустақиллигини таъминлашда муҳим қадам бўлди. Мазкур қонун асосида судлар ижро ҳокимиятининг органи — адлия идоралари тизимидан чиқарилди, судьялик лавозимига номзодларни танлаш тамойили тубдан ўзгарди.

**(Давоми учинчи бетда)**

*2012-yil — «Mustahkam oila yili»*

## Оила мустаҳкамлигини таъминлаш йўлида

### судлар ҳам самарали фаолият олиб бормоқда

**Ҳаётда ҳар бир инсон учун оиланинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Шунинг учун ҳар биримиз оилани муқаддас билиб, унинг бахт-саодати йўлида саъй-ҳаракат кўрсатамиз. Бу, ўз навбатида, жамият равнақига хизмат қилади. Зеро, оила — жамиятнинг муҳим бўғинидир.**

(Давоми иккинчи бетда)



**Маълумки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш, ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор, деб топилган шахсларга нисбатан маъмурий жазо чорасини қўллаш сингари ҳуқуқий меъёрлар белгилаб қўйилган.**

*Huquqiy ma`rifat*

## Маъмурий жавобгарлик

### уни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Шунингдек, Олий суд Пленумининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича қабул қилинган қарорида ҳам раҳбарий тушунтиришлар берилган.

**(Давоми учинчи бетда)**

*2012-yil — «Mustahkam oila yili»*

# Оила мустаҳкамлигини таъминлаш йўлида

## судлар ҳам самарали фаолият олиб бормоқда



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Дарҳақиқат, жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланадиган оилада баркамол авлод вояга етади. Ота-онанинг ўзаро меҳр-оқибати ва саъй-ҳаракатлари фарзандларнинг дунёқараши кенг, миллий қадриятларга содиқ инсонлар бўлиб улғайишиди асосий омил саналади. Оиладаги аҳил-иноқлик ва тотув муҳит эса, ўз навбатида, жамият барқарорлигига хизмат қилади.

Оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлоднинг онгига сингдириш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, хусусан, оила маданиятини кенг тарғиб этиш орқали оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлашда суд-ҳуқуқ идораларининг ўрни катта. Чунончи, бугунги кунда фуқаролик ишлари бўйича судларнинг асосий мақсади — оила мустаҳкамлигига эришишдан иборатдир.

Ўрни келганда шуни таъкидлаш жоизки, Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги **«Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»**ги қарорида оилани ҳар томонлама ҳимоялаш, болаларни она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, оила ва жамият олдида жавобгарлик ҳиссини кучайтириш борасида зарур тушунтиришлар берилган. Бугунги кунда Сирдарё вилояти фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан оилавий масалаларга оид низоларни ҳал қилишда юқорида қайд этилган қарор тушунтиришларига қатъий риоя этилмоқда.

Мисол учун даъвогар Феруза Назарова (исм-фамилиялар шартли) судга мурожаат қилиб, жавобгар Маҳмуд Назаров билан 1989 йили қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганликлари, икки нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, дастлаб яхши яшаганликлари, кейинчалик муросалари тўғри келмай қолганлиги, эндиликда оилани тиклаш имкони йўқлиги боис ўртадаги никоҳни бекор қилишни сўраган. Суд томонидан уларга ярашиш учун 5 ойлик муддат берилди. Муддат тугамасдан Феруза Назарова яна судга мурожаат қилиб, турмуш ўртоғи билан ярашгани, ўз оиласини тиклаганлиги сабабли иш юритишни тугатишни сўради. Суд даъвогар Ф.Назарованинг жавобгар М.Назаровга нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги фуқаролик ишини тугатиш ҳақида ажрим чиқарган.

Ҳа, бир оила қайта тикланди. Бу, албатта, хатоликлардан тўғри хулоса чиқарган эр ва хотиннинг кўнглини ёритиши билан бирга, фарзандларнинг шоду хуррамлигига ҳам сабаб бўлди. Суд томонидан берилган синов муддатида аввал келиша олмаган эр ва хотин оила, фарзанд тақдири ҳақида ўйлаб, ўз фикрларини ўзгартириб, тўғри қарорга келган. Хатодан ана шундай тўғри хулоса чиқарганга тақдир ҳам кулиб боқади. Энди бу тўкис оилада фарзандлар баркамол бўлиб вояга етишига шубҳа йўқ.

**Ҳусан МУЛЛАЖОНОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг раиси*

*E'tirof*

# Юксалаётган юрт жамоли



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Вилоятда кенг кўламда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида янги тураржой даҳалари, кенгайтирилган кўчалардан тортиб, энг муҳташам ва замонавий саноат иншоотларигача бунёд этилаётир. Бу борада Президентимизнинг **«Наманган шаҳрини 2009 — 2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»**ги қарори асосида қисқа муддатда асрларга татигулик қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, Наманган аэропорти, «Йўл ўтказгич», «Яшил бозор», «Камолот» боғи, Болалар боғи, «Хотира хиёбони», «Баркамол авлод» спорт мажмуаси, «Ёшлар маркази», Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма театри, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, «Истиқлол» кўчасидаги кўп қаватли уйлар, Наманган шаҳрининг энг чекка ҳудудларида бунёд этилган бешта умумтаълим мактаби, замонавий услубда таъмирланган ўн тўққизта мактабгача таълим муассасаси, иккита мусиқа ва санъат мактаби, бир нечта спорт иншоотлари ва бошқа бир қатор объектлар фойдаланишга топширилди.

Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб давлатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллигини муносиб ютуқлар билан кутиб олиш борасидаги жўшқин саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Жойларда ушбу қутлуғ сана олдидан янги қуриб битказилган иншоотлар, корхоналар ва бошқа бунёдкорлик объектлари фойдаланишга топширилмоқда.

Яқинда Учқўрғон туманида «Учқўрғон Кристалл» корхонаси иш бошлади. Туман марказида маъданли сувни қадоқлаш ҳамда салқин ичимликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхона хусусий тадбиркор Аҳмадали Аҳмаджонов томонидан барпо этилди. Бу ерда 30 та янги иш ўрни яратилди.

— Истиқлол йилларидаги ўзгариш ва янгиланиш жараёнини кўриб, оддий бир фуқаро сифатида қалбим ғурур ва ифтихорга тўлади, — дейди Аҳмадали ака. — Мустақиллик шарофати билан яратилган имкониятлардан фойдаланиб, янги корхонани ишга туширдик.

— Ҳар сафар кундан-кунга гўзаллашиб бораётган вилоятимиз марказини кўриб, кўзим қувонади, — дейди тўқсон ёшга кирган поплик «Шуҳрат» медали соҳиби, меҳнат фахрийси Тўланбой ота Тўйчибеков. — Бугун оддийгина деҳқоннинг тўкин дастурхонини кўриб, беихтиёр шукрона айтамиз. Бозорларимиздаги серобгарчиликни айтмайсизми?! Буларнинг ҳаммаси тинчлигимиз, мустақиллигимиз туфайлидир.



Бундай дил изҳорларини яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Бинобарин, юрт равнақ топар экан, унда яшаётган инсонларнинг қалбида эзгу туйғулар, Ватанга бўлган чексиз муҳаббат жўш уриши табиий.

Одатда, ана шундай сурурли паллаларда она-Ватан кўз ўнгимизда ўтмиши, бугуни ва ёрқин келажаги, бир сўз билан айтганда, бор бўй-басти билан намоён бўлади. Уфқидан бахт юлдузи сўнмайдиган қадрдон Ватанни куйлаш имконига муяссар бўлаётганлигингдан кўнглинг фахру ғурурга тўлади.

Биз тобора юксалаётган, гуллаб-яшнаётган юртимиз узра истиқлол қуёши абадий порлаб турсин, тинчлигимизга кўз тегмасин, дея ният қиламиз. Зеро, эзгу ниятлар ижобат бўлмоғи шубҳасиз!

**Жамолиддин МУСЛИМ,**
*Ёзувчилар уюшмаси Наманган вилояти бўлими раҳбари*

*Qilmish-qidirmish*

# Қонуний фаолият — муваффақият гарови

## жиноий қилмиш эса, жазосиз қолмайди



Истиқлол йилларида мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳа вакилларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида салмоқли чора-тадбирлар амалга ошириб келинаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Бундай имконият ва имтиёзлардан оқилона фойдаланаётган тадбиркорлар фаолиятларини тобора кенгайтиришмоқда. Албатта, ишбилармон юртдошларимизнинг янги-янги иш ўринлари ташкил этиши, рақобатбардош, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариши иқтисодиётимиз равнақига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Бироқ шуни эсдан чиқармаслик керакки, тадбиркорлик соҳаси ҳам қонунийлик асосида ривожланади. Чунончи, хориждан турли-туман маҳсулот олиб келаётган кишилар белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириши ҳамда божхона текширувидан ўтиши зарур.

Афсуски, ҳаётда божхона назоратини бузиб, ноқонуний равишда мамлакатимиз ҳудудига сифатсиз маҳсулотлар олиб киришга уринаётган кимсалар ҳам учраб туради. Масалан, Раҳима Юнусова *(исм-фамилиялар ўзгартирилган)* ҳамтовоқлари Мусаев, О.Охуновалар билан жиноий тил бириктиради. Жиноий режага кўра, Р.Юнусова ва О.Охуновага товарларни чегарадан ноқонуний олиб ўтиш, У.Мусаевга эса, уларни «КамАЗ» русумли машинасида Янгичек қишлоғига олиб бориш вазифаси топширилади.

Р.Юнусова ва О.Охунова 2012 йил 4 январда шахси номаълум хориж фуқаролари чегара яқинига олиб келган 10 турдаги товарларни ноқонуний равишда чегарадан ўтказиб, У.Мусаевнинг хонадонига олиб боришади. Бироқ...

Кутилмаганда У.Мусаевнинг уйига ҳуқуқ-тартибот идораси ходимлари келишади ва тинтув жараёнида «КамАЗ» машинаси юкхонасида 23.199.000 сўмлик ҳужжатсиз махсулотлар сақланаётгани аниқланди.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона тумани суди томонидан ушбу шахсларга тегишли жиноят иши атрофлича кўриб чиқилди. Улар Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисми «а» банди ва 223-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилди ва тегишлича жазо тайинланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир ишда қонунга суяниш ҳам муваффақият калити бўлиб хизмат қилиши, ҳам кишига обрў-эътибор келтиришини унутмайлик.

**Т.МИРЗАЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Фарғона тумани суди раиси*

*Saboq*

# Қоидага риоя этмаслик

## жавобгарликка сабаб бўлади

**Айтиш керакки, аммиакли селитра ишлаб чиқариш, тақсимлаш, ташиш ва сотишни назорат қилиш, унинг йўқолиши, ўғирланиши каби салбий ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида 2004 йил 30 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг «Аммиакли селитрани ишлаб чиқариш, ташиш ва сотишни назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинган.**

**Мазкур қарорнинг 1-бандида аммиакли селитра биржа савдоларида ва чакана савдода сотиладиган маҳсулотлар ва товарлар рўйхатидан чиқарилиши, аммиакли селитрани минерал ўғитлар сотишнинг оралиқ шахобчалари орқали сотиш тақиқланиши белгилаб қўйилган.**

Бироқ ҳаётда ўз нафсини жиловлай олмасдан ушбу қарор талабларини қўпол тарзда бузаётган кимсалар ҳам онда-сонда бўлса-да, учраб турибди.

Мисол учун Раҳимқул Хўжамқулов аммиакли селитрани сотиб олиш қонунга хилоф эканлигини била туриб, 2011 йил декабрь ойи охирида икки нафар нотаниш шахсдан жами 1000 килограмм микдордаги аммиакли селитрани сотиб олган. 2012 йил 20 февралда Нишон тумани ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда Нишон тумани «Нуристон» қўрғонида жойлашган Раҳимқул Хўжамқуловга тегишли дала шийпонида 20 қопда 1000 килограмм аммиакли селитра борлиги аниқланди.

Раҳимқул Хўжамқуловга нисбатан тергов идораси томонидан Жиноят кодексининг 171-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, унга туман суди томонидан тегишли жазо тайинланди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиздаги бунёдкорлик ва яратувчилик жараёнининг муҳим асоси бўлган барқарор тинчлик ва осойишталикка таҳдид соладиган иллатларга қарши муросасиз курашиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Жасур НОРҚОБИЛОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Нишон тумани судининг раиси*

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Гаров шартномаси —

**Маълумки, бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни, мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади.**

**Ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан, ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар гаров нарсаси бўлиши мумкин. Фуқароларнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган айрим турдаги мол-мулкини гаровга қўйиш қонун ҳужжатлари билан ман этилиши ёки чекланиши мумкин.**

**Гаров ҳуқуқи гаров тўғрисида шартнома тузилган пайтдан, шартнома нотариал тасдиқланиши талаб қилинганда, нотариал тасдиқлангач, шартнома рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлганида эса, у рўйхатдан ўтказилгандан сўнг вужудга келади.**

Гаров тўғрисидаги шартномада гаров нарсаси ва унинг баҳоси, моҳияти, миқдори ва гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддати кўрсатилган бўлиши керак. Унда гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги ҳам кўрсатилиши шарт. Гаров тўғрисидаги шартнома ёзма шаклда тузилиши керак.

Қонун талабига кўра, гаров билан таъминланган мажбурият бажарилиши натижасида ёки гаровга қўювчининг талаби билан гаров бекор бўлганида ихтиёрида гаровга қўйилган мол-мулк бўлган гаровга олувчи уни дарҳол гаровга қўювчига қайтариб бериши шарт.

Агар гаровга олувчи билан келишувда ўзгача тартиб белгиланган бўлмаса, гаровга қўювчининг ҳуқуқий ворисӣ гаровга қўювчининг ўрнига ўтади ва унинг ҳамма бурчларини бажаради.

Гаров шартномаси билан боғлиқ фуқаролик ишларини кўришда айрим ҳолларда амалдаги қонун талабларига риоя қилмаслик ҳоллари ҳам учраб туради. Жумладан, 2009 йил 13 июлда «Агробанк»нинг Гулобод филиали ва «Regina Plast» хусусий корхонаси ўртасида кредит шартномаси тузилиб, шартнома асосида банк томонидан қарз олувчига 80 миллион сўм кредит маблағи ажратилган. Кредитнинг қайтариш кафолати сифатида мулкий кафил А.Саломовга тегишли бўлган, 40 миллион сўмга баҳоланган «БВМ 320» русумли автомашина ва «DAROJNIK SERVIS» хусусий корхонасига тегишли бўлган 100 миллион сўмликдан ортиқ асбоб-ускуналар гаровга қўйилган.

«Regina Plast» хусусий корхонаси кредит шартномасининг 3.2-бандига асосан ажратилган кредитни белгиланган жадвал бўйича тўлаши лозим эди. Аммо кредит қарздорлик тўланмасдан келинган, натижада асосий кредит қарзи 80 миллион сўм ва фоизлар бўйича қарз 1,1 миллион сўмни ташкил қилган.

Фуқаролик кодексининг 236-моддасида **«Мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса, иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак»**лиги кўрсатилган.

Юқорида қайд этилган шартноманинг 5.3-бандига асосан эса, «Қарз олувчи» кредитни қайтариш графигига риоя этмаганда, ўз мажбуриятларини бажармаганида ва кредитни мақсадга номувофиқ ишлатганда, молиявий аҳволи ёмонлашганда, ноликвид балансга эга бўлганида, бухгалтерия ҳисоб-китоб тартиблари бузилган тақдирда, «Банк» берилган кредитни муддатидан олдин қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Фуқаролик кодексининг 279-моддасига кўра, **«Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувчи қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятларни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш»**и мумкин.

*Qonun ijodkorligi*

# Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

## фуқаролар хавфсизлиги, юрт осойишталигини таъминлашда муҳим омил

**Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида миллий қонунчилик асослари ҳам изчиллик билан такомиллаштирилмоқда. Шу билан бирга маъмурий ва жиноий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар доимий равишда ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Шу сабабли ҳуқуқбузарликлар содир этилиши бўйича республикамиз жаҳонда энг паст кўрсаткичлардан бирига эга.**

Ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Бош прокуратура ҳузуридаги Идоралараро ишчи гуруҳи томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга масъул бўлган вазирлик ва идораларнинг мутахассислари иштирокида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тизимининг ҳуқуқий асослари доимий равишда ўрганиб борилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вазирликлар ва идоралар, жамоат бирлашмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётган ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси жамоат тартибини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади. Жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга ошириш ва ҳуқуқ-тартиботни сақлашда маҳаллаларда милиция таянч пунктлари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларининг ташкил этилганлиги, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида яраштирув комиссияларининг фаолият юритаётгани айни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан кўрилган чоралар маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, жиноятни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ишларини кучайтириш имконини бермоқда.

Республикамизда бугунги кунда 3558 та милиция таянч пункти фаолият кўрсатмоқда. Уларда 5962 нафар ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари хизмат қилади. 9973 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида 51501 нафар «Маҳалла посбони» жамоат тузилмасининг вакиллари, 8289 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатиб, 9094 та яраштирув комиссияси ишламоқда.

Юқорида кўрсатилган субъектларнинг профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда ўзаро ҳамкорлигининг самарали ташкил этилганлиги натижасида биргина 2011 йилда 2254 та маҳалла ҳудудида жиноят содир этилишининг олди олинган.

Юқорида қайд этилганлар билан чегараланиб қолмасдан, бугунги кунда ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тизимини янада такомиллаштириш талаб этилаётганлиги сабабли республика Бош прокурори томонидан қонун ташаббускорлиги ҳуқуқи асосида **«Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»**ги қонуни лойиҳаси тайёрланиб, жорий йилнинг 12 июль куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди. Мазкур қонун лойиҳаси 31 июль куни Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида депутатлар томонидан қизғин муҳокама қилинди ва биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилгунга қадар ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмлари амалдаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамланмаган эди. Бу эса, улар фаолиятини мувофиқлаштириш элементларини турлича изоҳлашга, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бутун тизимини ташкил этишда ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслигига олиб келаётган эди.

Бундан ташқари ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқилгунга қадар ташкилот, корхона ва муассасаларнинг айрим мансабдор шахслари ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кенг кўламда амалга оширишда етарлича фаоллик ва ташаббус кўрсатмаётган эди.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг кундалик фаолиятида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш ва ушбу соҳадаги фаолият асосларини мустаҳкамлайдиган нормалардаги ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш мақсадида ушбу қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан кўзланган асосий мақсад — ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи сабаблар ва уларнинг содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш чораларини амалга оширишга йўналтирилган умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикани ташкил этиш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолиятини тартибга солиш ҳисобланади.

Мазкур қонун лойиҳаси билан юқорида қайд этилган камчиликларга барҳам берилиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий йўналишлари, ушбу йўналишларда фаолият олиб борувчи ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг вазифа ва ваколатлари ҳам аниқ белгилаб бермоқда. Жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий йўналишлари одам савдоси ва ахлоқ-одоб доирасидаги, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш ҳисобланади. Шунингдек, қонун лойиҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа йўналишлари ҳам белгилаб берилган.

Қонун лойиҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида амалга оширилиши ва ундан четга чиқишга йўл қўйилмаслиги алоҳида қайд этилган.

Қонун лойиҳасининг қоидалари жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги амалдаги қонунчиликни модернизация қилишга қаратилган. Ушбу қонун лойиҳаси демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш стратегиясига уйғун бўлиб, ташқи ва ички ҳуқуқбузарликлар асосида юзага келадиган таҳдид ва хавф-хатарларнинг олдини олишга хизмат қилади.

**Фахриддин КОМИЛОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати*

---

*Islohot va samara*

# Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари

## фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоялашга хизмат қилмоқда



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Президентимизнинг 2000 йил 14 августдаги **«Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»**ги Фармонига биноан одил судловни амалга ошириш сифатини яхшилаш мақсадида мавжуд умумий юрисдикция судлари негизида фуқаролик ишлари бўйича судлар ташкил этилди. Айни пайтда фуқаролик ишлари бўйича судлар фуқаролар ҳамда фуқаро ва юридик шахслар ўртасида юзага келадиган турли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида самарали фаолият юритмоқда.

Биргина, 2011 йилда Республикамиздаги фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 305 минг 227 та, 2012 йил 6 ойида 84 минг 696 та иш мазмунан кўрилиб, қонуний ҳал этилганлиги бунинг далилидир.

Айтиш жоизки, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш жараёнида суд ишларини соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, амалдаги Жиноят процессуал кодекси ва Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартириш киритилиб, процессуал қонунчиликнинг энг муҳим институтларидан бири - ишларни апелляция тартибида кўриб чиқиш жорий этилди. Мазкур институтнинг жорий этилиши натижасида фуқароларнинг қонуний манфаатларини ўз вақтида ҳимоя қилиш борасидаги суднинг ваколатлари бирмунча кенгайди.

Кейинги йилларда суд ишларининг ошкоралигини таъминлаш ҳамда соддалаштириш борасида муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, амалдаги Фуқаролик процессуал кодекси буйруқ тартибида иш юритиш ҳақидаги алоҳида 20[1]-боб билан тўлдирилди. Бунинг аҳамияти шундан иборатки, маълум низосиз талаблар бўйича судья ишни кўрмасдан суд буйруғи чиқариш ваколатига эга бўлди. Бу ўз навбатида, фуқаролар ўртасидаги низоли бўлмаган фуқаролик муносабатларини ортиқча сансалорликларсиз тартибга солиш имкониятини яратди.

Суд амалиёти таҳлилидан келиб чиқиб, фуқаролик процессуал қонунчилиги янада такомиллаштириб борилмоқда. Фуқаролик процессуал кодексининг 238[2]-моддасига киритилган қўшимчаларга асосан агар талаб ёзма битимга асосланган ва қарздор томонидан тан олинган бўлса, шу жумладан, агар коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш, ходимнинг ҳисобланган, лекин тўланмаган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса, суд буйруғи чиқарилади. Шунингдек, агар фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса ҳам суд буйруғи чиқарилади.

Шу ўринда суд амалиётига мурожаат этадиган бўлсак, 2012 йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида бир миллиондан ортиқ суд буйруғи чиқарилди. Шу тариқа муқаддам фуқаролик иши тариқасида кўриб келинган турли фуқаролик муносабатлари қисқа муддатларда ўз қонуний ечимини топди.

Фуқаролик муносабатларининг буйруқ чиқариш орқали ҳал этилиши биргина суд чиқимлари ва иш вақтини тежаб қолмасдан, фуқароларга ҳам қулайлик туғдирди. Чунки улар судга келиб-кетиш билан боғлиқ йўқотадиган иш вақти ва йўл харажатларини тежаш имконига эга бўлди.

Хулоса тариқасида таъкидлаш жоизки, буйруқ тартибида иш юритиш фуқаролар ўртасидаги низоли бўлмаган фуқаролик муносабатларининг ўз вақтида, сансалорликсиз ҳал этишга имконият яратди. Энг муҳими, бу ислоҳотлар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг суд орқали ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш билан бирга ижтимоий ҳаётда ҳам ўз самарадорлигини кўрсатмоқда.

**Холмўмин ЁДГОРОВ,**
*Олий суд судьяси*

---

# манфаатлар кафолати

## уни тузишда тарафлар қонунда белгиланган қоидаларга тўлиқ риоя этиши зарур



Суд, даъвогар «Агробанк» ОАТБ Гулобод филиалининг қарзни ундириш талабини гаровга қўйилган мол-мулкларга қаратиш тўғрисидаги даъвосини қаноатлантириб, гаровга қўйилган мол-мулкларнинг бошланғич баҳосини 140 миллион сўмдан зиёдроқ миқдорда белгилаган.

Шу ўринда иккинчи мисолга эътибор қаратадиган бўлсак, «Асака» банкнинг Самарқанд вилояти филиали билан «Самарқанд ЛТ» қўшма корхонаси ўртасида 2010 йил 24 февралда лизинг шартномаси тузилган. Унга асосан, корхонага айланма маблағларини тўлдириш учун йиллик 15 фоиз устама тўлаш шарти билан 2,950 миллион сўм 48 ой муддатга лизинг ажратилган.

Лизинг объектлари сифатида қўшма корхонанинг бино-иншоотлари, «ПАВАН» макарон ишлаб чиқариш ускунаси, «Винклер» печи ва автомашиналар ҳамда лизинг таъминоти сифатида 32,21 фоиз банк тўлови ва жавобгар Ф.Ҳамроқуловга тегишли бўлган савдо дўкони гаровга олинган.

«Самарқанд ЛТ» қўшма корхонаси банкнинг бир неча маротаба огоҳлантиришига қарамай, лизинг бўйича асосий қарз ва фоиз тўловларини ўз вақтида амалга оширмаганлиги сабабли, лизинг шартномаси банк томонидан бир томонлама бекор қилинган.

Лизинг объектлари лизинг берувчи томонидан қайтариб олиниб, банк балансига қабул қилинган, лизинг шартномаси бир томонлама бекор қилингандан сўнг лизинг бўйича ҳисобланган 69,8 миллион сўмдан ортиқ фоизлар қопланмасдан қолган.

Суд даъвогар «Асака» банкнинг Самарқанд вилояти филиалининг фоизларни ундириш тўғрисидаги даъвосини муҳокама қилиб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантирди, гаровга қўйилган мол-мулкларнинг бошланғич баҳосини 49 миллион сўм миқдорида белгилашни лозим топди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни таъминлашда гаров муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, гаров шартномасини тузишда қонун-қоидаларга тўлиқ риоя этиш, қолаверса, унда белгиланган бурч ва мажбуриятларни тўлиқ адо этиш ўзаро ишонч туйғусини янада мустаҳкамлайди.

**Тўлқин УСМОНОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди раиси вазифасини бажарувчи*

---

*Huquqiy ma`rifat*

# Маъмурий жавобгарлик

## уни кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 294-моддасида қайд этилганидек, судья маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳимояга бўлган ҳуқуқини таъминлаш чораларини кўриши шарт.

Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш ҳужжатлари билан танишиб чиқиш, изоҳлар бериш, далиллар келтириш, илтимосларини баён этиш, адвокатнинг ҳуқуқий ёрдамидан ва таржимоннинг хизматидан фойдаланиш, она тилида сўзлашиш, шунингдек, ўзига нисбатан чиқарилган қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 31 – 32-моддаларида маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳамда оғирлаштирувчи ҳолатлар келтирилган. Айни пайтда инсонпарварлик нуқтаи назаридан, ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) қонунда кўрсатилганидан бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат, деб баҳолаши мумкин. Масалан, кодекснинг 52-моддаси, яъни қасддан енгил тан жароҳати етказиш билан боғлиқ ишларда ҳуқуқбузар ва жабрланувчи яқин қариндош, масалан, эр-хотин ёки ака-ука бўлиши мумкин. Иш судда кўрилаётган пайтда ҳуқуқбузар ва жабрланувчи ўзаро ярашиб, жабрланувчининг даъвоси бартараф этилса, суд бу ҳолни нафақат енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши, балки ҳуқуқбузарни огоҳлантириб, жавобгарликдан озод қилишгача бўлган енгил чораларни қўллаши лозим. Чунки эр-хотин низолашиб, сўнг ярашса, ҳуқуқбузарга тайинланган енгил жарима ҳам ўртадаги низони янгилаши ёки оиланинг иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Маъмурий қамоққа олиш жазоси қўлланилганда эса, бу чора тўлиқ асослантирилиши зарур. Айни пайтда маъмурий қамоққа олиш жазоси ҳомиладор ёки уч ёшгача боласи бўлган аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахсларга, вояга етмаганларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига тайинланиши мумкин эмас.

Хулоса қилиб айтганда, маъмурий жазо чоралари жамиятда тинчлик-осойишталикни қарор топтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, юқорида баён этилганидек, маъмурий чораларни қўллашнинг ҳам ўзига хос талаблари борки, уларга амал қилиш, яъни қонун доирасида иш кўриш ҳар бир ҳуқуқ-тартибот идораси ходимларининг муқаддас бурчи саналади.

**Раҳматулла ОРЗИҚУЛОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг судьяси*

---

*Muloqot*

# Газетхон савол беради...



***— Менинг икки нафар вояга етмаган ўгай фарзандим бор. Уларнинг ота-онаси вафот этишган. Айтинг-чи, уларга таъминот беришга мажбурманми?***

***У.ТОШМАТОВ,***
*Ургут тумани*

— Оила кодексининг 127-моддасига биноан, ўгай ота ва ўгай онанинг тарбиясида ёки таъминотида бўлган вояга етмаган ўгай ўғил ва ўгай қизларнинг ота-онаси йўқ бўлса ёхуд ўз ота-онасидан етарли маблағ ололмаётган бўлса, уларга таъминот бериш мажбурияти ўгай ота ва ўгай она зиммасига юклатилиши мумкин. Вояга етган ёрдамга муҳтож, меҳнатга лаёқатсиз ўгай ўғил ва ўгай қизларнинг ота-онаси, эри ёки хотини (собиқ эри ёки хотини) ва вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд улардан таъминот учун етарли маблағ ололмаса, ўгай ота ва ўгай онанинг зиммасига уларга нисбатан ҳам шундай мажбурият юклатилиши мумкин.

**Саволларга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.**

---

*Jinoyat va jazo*

# Ҳалоллик умрга мазмун бағишлайди

## нопок йўл юзшувутлик келтиради

**Бу ҳаётда инсонга берилган неъматларнинг энг аълоси сиҳат-саломатлик саналади. Айни чоғда саломатлик ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди, балки соғлом турмуш тарзи ва танани мунтазам чиниқтиришни тақозо этади. Спиртли ичимликка муккасидан кетиш, кашандалик каби зарарли одатлар эса, саломатликни аста-секин емирадиган иллатлар саналади.**

**Инсон соғлиғи учун хавфли бўлган яна бир иллат — гиёҳвандликдир. Гиёҳвандлик моддаларига рўжу қўйган кимса нафақат ўз соғлиғини бой беради, балки атрофидагиларнинг ҳам тинч-тотув ҳаётига зарар етказади.**

(Давоми тўртинчи бетда)

*Yangi qonun mohiyati*

# Келажак олдидаги масъулият

## фарзандлар тарбиясига янада эътибор билан ёндашишни талаб этади

**Юртимизда ёш авлод камолоти йўлида эзгу ва хайрли ишлар изчиллик билан, босқичма-босқич амалга оширилаётир. Бу жараёнда, айниқса, ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, шунингдек, уларни турли хил ахборот хуружларидан, «оммавий маданият» таъсиридан асрашга хизмат қилувчи қонун ҳужжатлари муҳим омил бўлаётир.**

Шу маънода Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлисида маъқулланган **«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонун кенг жамоатчилик томонидан қизғин маъқулланди. Ушбу қонун билан Жиноят кодексининг 130-моддаси янги таҳрирда баён этилди ва «порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш» деб номланди.

XXI аср бежизга «ахборот асри» деб аталмайди. Чунки бугунги кунда ҳар қандай ахборотнинг тезкор тарқалишини таъминлаб берувчи техника воситалари кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Лекин бу ахборотлар орасида яхшиси ҳам, ёмони ҳам, эзгуликни тарғиб этадигани ҳам, ёмонликка ўргатадигани ҳам бор.

Янги қонун билан Жиноят кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларда айнан ана шу ҳолатлар эътиборга олинди. Жумладан, янги қонун билан бу борадаги жиноий қилмишлар учун жарима жазоси кучайтирилиб, бундай хатти-ҳаракатларни содир этган шахсга нисбатан уч йилгача озодликдан маҳрум этиш жазо чораси ҳам белгиланди. Бундан ташқари вояга етмаган шахсларни бу ишга ижрочи сифатида жалб қилганлик учун ҳам жазо тайинланиши кўзда тутилди.

Айтиш кераккки, бугунги кунда жиддий чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай, нафс қутқусига учиб, инсоф-диёнатни унутган айрим кимсалар бундай жиноий қилмишга қўл ураётгани афсусланарлидир. Жумладан, Самарқанд вилояти ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан 2011 йил ва 2012 йилнинг ўтган даври мобайнида порнографик маҳсулотларни тарқатишга қарши олиб борилган тадбирлар натижасида 20 нафардан ортиқ фуқарога нисбатан турли жазо чоралари қўлланилди, 54 дона видеокассета, 35 минг 715 дона компакт диск, флешка сингари маълумот ташувчи воситалар ҳамда уяли телефонлар далилий ашё сифатида олинди ва йўқ қилинди.

Гап ёшлар тарбияси, уларнинг маънавий дунёси муҳофазаси ҳақида борар-



кан, бу борада биринчи навбатда, ота-она масъул эканини алоҳида таъкидлаш керак. Айтмоқчиманки, аввало, оила бошлиқлари — ота ва она юксак хулқ-атвори, ибратли ишлари билан фарзандларига ўрнак бўлиши лозим. Шунингдек, фарзандларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳам улар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Самарқанд архитектура ва қурилиш институти профессори Ҳикмат Тўраев шундай ҳикоя қилади:

— Кеча набираларимни шаҳарга айлантиргани олиб чиқдим. Уларга музейларни, тарихий обидаларни кўрсатдим. Ҳар йили набираларим билан бирга тўрт-беш марта ана шундай саёҳатга чиқиб турамиз. Бу уларнинг дунёқараши шаклланиши, тарихимизни ўрганишда беқиёс аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

Бу масаланинг биринчи жиҳати. Энди ушбу саёҳатларнинг яна бир асосий томонига тўхталиб ўтсак. Юқорида айтиб ўтганимиздек, биринчидан, фарзандларимиз халқимиз фахри бўлмиш маданий меросимизни томоша қилиш баробарида унинг тарихи билан чуқурроқ танишади. Иккинчидан эса, уларнинг кўнглида Ватанга муҳаббат, шу халқнинг фарзанди, шундай улуғвор ишларни амалга оширган аждодларнинг авлоди эканлигидан ғурурланиш туйғуси пайдо бўлади. Албатта, миллатидан, Ватанидан ғурурланиб вояга етган фарзанд келажакда ўз она тупроғини кўз қорачиғидек асрашга қодир, садоқатли ва жасоратли бўлиб вояга етади.

Кези келганда яна шуни айтиш кераккки, ҳаётда фарзандларига ибрат кўрсатиш, намуна бўлиш ўрнига лоқайдликка йўл қўядиган ота-оналар ҳам учраб туради. Яқинда қизиқ бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Йўл-патруль хизмати нозири йўл қоидасини бузган ҳайдовчини тўхтатди. Яп-янги «Ласетти» русумли автомашинанинг бошқарув ўриндиғида башанг кийинган бир киши ўтирибди. Қизиғи, машинанинг пешойнасига алламбало нарсалар осилган, орқа ойнага эса... беҳаё сурат ёпиштирилган. Нозир ҳайдовчидан: «Отахон, бунақа нарсаларни машинага ёпиштиришдан уялмайсизми?» — деб сўради. «Болаларнинг иши-да, эътибор қилмабман», — жавоб қайтарди ҳайдовчи лоқайдлик билан.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, отасининг машинасига турли шундай суратларни ёпиштирган фарзанд қандай тарбия кўрган ҳисобланади?! Бунга отанинг лоқайд муносабати ҳаммасидан ошиб тушади.

Тараққиётни орзу қилган ҳар бир жамиятда маънавий комилликка энг долзарб масала сифатида қаралади. Агар эътибор қилган бўлсангиз, аждодларимиз бой маънавий меросининг асосий ғояси ҳам юксак инсоний фазилатлар билан боғлиқ. Чунки яхши тарбия кўрган, ибратли фазилатларни ўзлаштирган, иймон-эътиқодли кишилар мамлакат қудратига кўпроқ ҳисса қўшади.

Президентимиз **«Юксак маънавият — енгилмас куч»** китобида шундай ёзади: **«Агарки биз бундай хатарларга қарши ўз вақтида қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормасак, турли зарарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни ўз гирдобига тортиб кетишини, оқибатда уларнинг ота-она, оила, эл-юрт олдидаги бурчи ва масъулиятини ўйламайдиган, фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худписанд кимсаларга айланиб қолиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Мана шу аччиқ ҳақиқатни юртимиздаги ҳар бир инсон, ҳар қайси ота-она, энг муҳими, ҳар қайси йигит-қиз чуқур англаб олишини истардим».**

Шундай экан, маънавиятга таҳдид қилувчи ҳар қандай иллат, шу жумладан, порнографик маҳсулотлар тарқатишга қарши курашда ота-она, маҳалла, ўқув юртлари, бир сўз билан айтганда, кенг жамоатчилик ҳамкорлигини йўлга қўйиш давр талабидир. Зотан, аждодлари меросини ўрганишда, замонавий инновацион технологияларни амалга оширишда, интеллектуал имкониятларини намойиш этишда дунёни ҳайратга солаётган ёшларимизни маънавий баркамол қилиб вояга етказишга ҳисса қўшиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

**Фармон ТОШЕВ,**
*Олий Мажлис Сенати аъзоси*

---

**Маълумки, табиат чексиз имкониятлар манбаи саналади. Агар ўрнида фойдаланилса, табиатнинг ҳар бир унсури инсон учун кони фойдага айланиши мумкин. Чунончи, «Қуёш нурлари инсон организмида саратон ҳужайраларининг вужудга келишида табиий тўсиқ вазифасини бажаради», — деган хулосага келишди европалик олимлар кўп йиллик илмий тадқиқотлари натижасида.**

*Sirli dunyo*

# Биз билган ва билмаган дунё




Дарҳақиқат, қуёш нури инсон учун худди сув каби ҳаётий зарурат саналади. Олимларнинг тасдиқлашича, қуёш нурларидан бебаҳралик кўкрак саратони, ичак касалликлари ва хавфли ўсмаларнинг ривожланиш хавфини кучайтирар экан. «Қуёш нури соғлом ҳаёт кечиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади, — дейди тиббиёт фанлари номзоди Елена Никитина. — Масалан, қуёш нури орқали таралаётган ультрабинафша нурлар иммунитетни мустаҳкамлаш, организмда моддалар алмашинувини таъминлаш, иш қобилиятининг ошиши ва юқори самарадорликка эришишда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, кальций миқдорининг танада яхши сўрилиб, гемоглабиннинг кўтарилишида ҳам у муҳим ўрин тутади».

Мана, қуёш нурлари иммун тизими фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим эканлигига бир мисол. Агар, авваллари шамоллашга қарши курашувчанликни ошириш ва унинг олдини олиш мақсадида профилактик тарзда С витамини қабул қилинган бўлса, энди организмнинг юқумли касалликларни қўзғатувчи вирус ва бактерияларга қарши курашувчанлигини оширишда Д, А витаминларидан фойдаланилмоқда. Чунки бу икки витаминнинг ёрдамида танамизда «қуёш ваннаси» ҳосил бўлади. Шунингдек, Д витамини инсоннинг тушкун кайфиятдан халос бўлишига хизмат қилади, суяк ва мушак тўқималарини мустаҳкамлашда ҳам у муҳим ўрин тутади.

— Ультрабинафша нурларнинг инсон териси учун фойдали хусусиятлари ҳам кўп, — дейди тиббиёт фанлари доктори Анна Стенько. — Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, ультрабинафша нурлар — терининг қайта тикланишига кўмак берибгина қолмасдан, уни бегона таъсирлардан тозалайди, ёшартиради, ҳатто юздаги ҳуснбузарлардан бутунлай халос бўлишга ёрдам беради.

Репродуктив саломатликни сақлашда ҳам қуёш нурининг ёрдами чексиз. Бироқ барча нарсанинг чек-чегараси бўлганидек, қуёш нурларини қабул қилишда ҳам меъёрга амал қилиш жуда муҳим. Жумладан, офтобда керагидан ортиқ қорайиш иммунитет тизимига зарар келтиради. Айниқса, кекса кишиларнинг юз териси ёшларга нисбатан қуёш нурларини ошиғи билан, яъни 70 фоизгача қабул қилар экан. Чунки бундай ёшдаги кишиларнинг юзларида ажин тўрлари кенг ёйилганлиги туфайли кийим билан ҳимояланмаган тана қисмлари кўпроқ жабр кўради.

— Меъёрни билиш эса қийин эмас. Офтобда маълум вақт тургач, баданнинг сал қизариши меъёрни билдиради, — дейди дерматолог-онколог мутахассис Светлана Кононова. — Бу организмнинг етарли миқдорда қуёш нурларидан тўйинганлиги ва энди соя-салқин жойга ўтиш ҳақидаги «буйруқ»дир. Бордию, огоҳлантиришга амал қилмай, ўз билганингиздан қолмасангиз, офтоб «уриши» мумкин.

Агар сиз жуда қисқа фурсатда офтобда безарар, чиройли қорайишни истасангиз, бунинг ҳам осон ва хавфсиз йўли бор. Масалан, айрим маҳсулотлар қуёшда қорайиш ва қуёш нури таркибидаги инсон учун зарур элементларнинг сўрилишини тезлаштиради. Қуйида улардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

**Сабзи** бетакаротинга жуда бой бўлиб, қуёш нурларидан самарали фойдаланишни истовчилар учун кони фойда. У қуёш нурларининг танада узоқ вақт сақланишига ёрдам беради.

**Ўрик** баданда қисқа муддатда қизариш белгиларининг содир бўлишини тезлаштиради.

**Шафтоли** иссиқда куйиб қолишнинг олдини олади ва бир маромда тиниқ қизаришни таъминлайди.

**Сарсабил** ультрабинафша нурлардан ҳимояловчи восита ҳисобланади.

**Исмалоқ** танада узоқ вақт «офтоб» рангини сақлайди, ультрабинафша нурлар зараридан ҳимоя қилади.

**Помидор** тери саратони ва унинг ривожланишига кескин қаршилик кўрсатувчи, тез қорайишни таъминловчи хусусиятларга эга.

**Балиқ** терини ташқи таъсирлардан самарали ҳимоялайди, тери қуриши ва пўст ташлашини бартараф этади.

Шунингдек, **тарвуз** терини ультрабинафша нурларнинг зарарли таъсиридан ҳимоялайди, организмнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондиради, қорайишдан ҳимоя қилади, **қовун** эса тананинг тез ва чиройли қизғиш рангга киришига «кўмаклашади».

**Интернет материаллари асосида Нурхон тайёрлади.**

---

**Маълумки, мерос очилган жойдаги давлат нотариуси меросхўрларнинг ёзма аризаларига кўра, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради.**

*Maslahat*

# Мерос гувоҳномаси

## у қандай тартибда берилади?



Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтгандан сўнг берилади.

Қонун бўйича мерос олинганида ҳам, васиятнома бўйича мерос олинганида ҳам, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасдан олдин берилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 1157-моддасига мувофиқ, агар қонун бўйича ҳам, васиятнома бўйича ҳам меросхўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, мерос мол-мулк эгасиз деб топилади.

Нотариус қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома бериш пайтида мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, мерос очилган жойи ва вақтини, мерос мол-мулк таркиби ва унинг жойлашган жойини, мерос қолдирувчи билан меросхўрларнинг қариндошлик муносабатини ҳамда қонун бўйича меросхўрлар доирасини аниқлайди.

Мероснинг очилиш жойи деб мерос қолдирувчининг охирги яшаб турган жойи ҳисобланади.

Мерос қолдирувчи билан меросхўрларнинг қариндошлик муносабатлари туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, туғилганлиги ва никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувларидан кўчирмалар, қариндошлик ёки бошқа муносабатларнинг ҳақиқийлигини белгиловчи суд ҳужжати ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Агар марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотини (эри) бошқа қайд этилган никоҳдан ўтган бўлса ҳам у мерос олишга чақирилади. Никоҳ ҳақиқий эмас, деб топилган ҳолда, бундай никоҳда бўлган шахслар бир-бирининг вафотидан кейин меросхўр деб ҳисобланмайди.

Меросхўрларнинг хоҳишига кўра, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома уларнинг ҳар бирига алоҳида ёки уларнинг ҳаммасига битта берилади.

**Лазиз ҚОДИРҚУЛОВ,**
*Олий суд катта консультанти*

---

**(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)**

Таъкидлаш жоизки, юртимизда гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича миллий қонунчилик асослари яратилган. Шу билан бирга мамлакатимиз бу борада кўпгина халқаро ҳужжатларга қўшилган ва уларнинг талабларини изчил бажариб келмоқда.

Бугунги кунда ушбу йўналишда амалга оширилаётган чора-тадбирлар кўплаб халқаро ташкилотлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Чунончи, БМТ мутахассислари Ўзбекистон наркобизнесга қарши кураш борасида самарали фаолият олиб бораётганини қайд этган.

Бунда, ҳеч шубҳасиз, республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг олиб бораётган саъй-ҳаракати алоҳида ўрин тутади. Жумладан, мазкур идоралар томонидан трансмиллий наркогуруҳлар фаолиятига чек қўйиш, контрабанда йўлларини ёпиш, «захри қотил» экилган майдонларни йўқ қилиш бўйича мунтазам комплекс чора-тадбирлар ўтказилмоқда.

Бироқ айрим кимсаларнинг оғуфурушликни касб қилиб, уни етиштириб, сотиш борасида янгидан-янги усулларини излаб топаётгани ташвишланарли. Шундайлардан бири Юсуф Эркиновдир. У 1965 йилда Фарғона вилоятида туғилган, 4 нафар фарзанднинг отаси. Фарзандлари камолини ўйлаб, умрини эзгу ишларга бахшида этиши лозим бўлган бу кимса томорқасига кўп миқдорда наша гиёҳвандлик моддасини етиштирган. У гиёҳвандлик моддасини елим халталарга жойлаб, сотиш учун қулай пайт излайди.

*Jinoyat va jazo*

# Ҳалоллик умрга мазмун бағишлайди

## нопок йўл юзшувутлик келтиради

Ҳуқуқ-тартибот идораларининг тезкор тадбири натижасида Ю.Эркинов жиноий ниятини тўлиқ амалга ошира олмади. Унинг уйи холислар иштирокида кўздан кечирилганда сотиш учун тайёрлаб қўйилган 15 килодан ортиқ "марихуана" гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил сифатида олинди.

Суд Ю.Эркиновга жазо тайинлашда Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **«Судлар томонидан жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг раҳбарий тушунтиришларига тўлиқ риоя этди. Суд-наркология диспансерининг далолатномасига кўра, Ю.Эркинов «нашавандлик» касаллигига чалингани учун Жиноят кодексининг 96-моддасина асосан тиббий йўсиндаги мажбурий даволанишга муҳтожлиги инобатга олинди. Суд Ю.Эркиновнинг айбига иқрорлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, қарамоғида 4 нафар фарзанди борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолади ва унга тегишлича жазо тайинлади.

Жамият барқарорлигига, осойишта кунларимизга хавф солиши мумкин бўлган гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний олди-сотдисига қарши курашда жамоатчилик ёрдами ҳам муҳим ўрин тутади. Шу сабабли, судлар томонидан гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари юзасидан чиқарилган хусусий ажримлар ҳуқуқни муҳофаза қилув идоралар ходимлари билан ҳамкорликда корхона ва ташкилотлар, маҳалла қўмиталари, таълим муассасаларида қизғин муҳокама этилаётир. Бир сўз билан айтганда, тинчлик-осойишталик, сиҳат-саломатликдек бебаҳо неъматларни кўз қорачиғидек асрашимиз, уларга путур етказувчи турли иллатларга қарши муросасиз бўлмоғимиз даркор.

**Акрам ТОШПЎЛАТОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Ўзбекистон тумани судининг раиси*

---

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Жаҳонгир ҲАЙДАРОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Бахриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-816. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7578.
1 2 3 4 Топшириш вақти: $20^{00}$ Топширилди: $00^{30}$